



ЎЗБЕКISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жойларда фуқаролар томонидан қўйилаётган зарур масалаларни, ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритиши, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш масалаларини ҳал қилишдаги роли ортиб бормоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари 20 ноябрда Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қўшма мажлисида муҳокама қилинди. Қўшма мажлис «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Тошкент шаҳрида ижро этилишини ўрганиш натижаларини кўриб чиқди. Мажлисда сенаторлар ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлари, Тошкент шаҳар туманларининг ҳокимлари ва уларнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Молия, Ички ишлар, Адлия вазирликлари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси ва унинг Тошкент шаҳар ва туман бўлимлари вакиллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар ва туман бўлимлари Кенгашларининг раислари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Мажлисда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини самарадорлигини ошириш жамиятнинг ислоҳ қилиш жараёнига кенг аҳоли қатламларини, халқнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини жалб этиш имконини бериши кўрсатиб ўтилди. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, унинг ваколатларини, самарали ишлаш механизmlарини кенгайтириш устувор вазифалар бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номида маърузасида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда», деб таъкидлади.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДП: устувор вазифалар



Концепцияни нафақат қўллаб-қувватлаш

балки унда белгиланган вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этиш зарур.

Аввал хабар қилганимиздек, шу йилнинг 19 ноябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президент Ислам Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида кун тартибига қўйган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»дан келиб чиқадиган дастлабки вазифалар муҳокама этилди.

Унда Президент Ислам Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурди, — деди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Латиф Гуломов. — Улар давлат ҳокимиятининг янада демократлаштириш, хусусан, парламентнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини мустаҳкамлаш, сайлов тизими, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга қаратилган. Шу тариқа мамлакатни демократик янгиланишнинг янги босқичи бош-

ланапти. Бунинг учун мустақиллигимизнинг ўтган 19 йилида зарур шарт-шароит яратилди, дейишга барча асослар бор. Бу эса Президентимизнинг қонунчилик ташаббусини қўллаб-қувватлаш билан бирга, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини такомиллаштиришда партияимизнинг амалий иштирокини кучайтиришни тақозо этади.

(Давоми 2-бетда.)

ТЕРМИТЛАР КЕЛТИРГАН ЗАРАР

ёки уларга қарши курашишнинг илмий асослари ҳақида

→ 3

Ижтимоий ҲИМОЯ

ЯНГИ ТИББИЙ ИНШОТЛАР

→ 4

Эътироф

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакат келажаги ҳақида чуқур қайғуриш ҳиссига йўғрилган маърузаси концептуал хусусиятга эга ва у Ўзбекистоннинг давлат қурилиши борасида мустақиллик йилларида эришган барча бой тажрибани ўзида мужассам этган. Президент Ислам Каримов теран таҳлил асосида унинг диққат марказида эса ўзбек жамоатчилигида сиёсий ислохотларни давом эттириш заруриятини белгилловчи Ўзбекистоннинг яқин келажақдаги стратегик ривожланиш йўналишини аниқлаб берди.

Юй ХУНЦИОН, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Факултетада ва Мухтор элчиси

Эски ёндашувдан қачон воз кечасиз?

Ёки имконияти чекланган кишиларни иш билан таъминлаш масаласида либералларга саволимиз бор

«Ҳурматли либераллар, сиз ногиронларни тадбиркорликка жалб этиш ғоясига қандай қарайсиз? Ёки бу масалада ногиронларга давлатдан олган нафақалари етарли, деган фикрда қолаверасизми?» → 2

Мулоҳаза учун мавзу

ЙЎЛОВЧИГА ЙЎЛ АЗОБИМИ? → 3

Ёки айрим ҳудудларда аҳолига йўл транспорти сервис хизмати қониқарсиз аҳволдалиги, Қизилқум саҳросидаги «ошхона — меҳмонхона»лар ҳақида

Обуна қандай бормоқда?


Бу саволга «Ўзбекистон почтаси» Очиқ Акциядорлик Жамияти Қорақалпоғистон филиали директори Баҳодир МАШАРИПОВ қуйидагича жавоб берди:

— Республикаимизнинг шаҳар ва туманларида кишлоқ ва овулларида 2011 йил учун газета-журналларга обуна давом этмоқда. Филиалимизда 934 ходим ишлаяпти. Шундан 214 нафари алоқа бўлими бошлиқлари, 374 нафари хабарчи ва 91 операторлардир. Улар шу кеча-кундузда обунани уюшқоқлик билан ўтказишда фаол қатнашмоқдалар. Газета-журналларга обунани қабул қилишда терминалларнинг аҳамияти катта бўлаяпти. Шу кеча-кундузда 23 та терминал ишлаб турибди. Обунани уюштиришда фаол қатнашганлар учун мукофот ҳам белгиланган. «Ўзбекистон овози» газетасига Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Урта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ва ҳокимиятлар тизимида обуна кўпчилигини ташкил этмоқда. Почта алоқа тармоқлари ва алоқа бўлимларида обуна бўйича янгидан ўрнатилган хизмат турлари эълон қилиниб, асосий ва қўшимча хизмат турлари кўрсатилмоқда. Нашрларга йиллик обуна қилиш мuddати тугашига санокли кунлар қолди. Обунани уюшқоқлик билан ўтказишда барча имкониятлардан тўла фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Бу ишларда жамоатчиликнинг ҳам улуши катта бўлаяпти.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Мамлакатимиз спортчилари Гуанжоу (Хитой)да давом этаётган XVI ёзги Осиё ўйинларида ҳозирча учта олтин, ўн иккита кумуш ва ўн бешта бронза медалини қўлга киритди. → 4



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2010 IYIL 23 NOYABRDAN BOŠLAB ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ							
1 Австралия доллари	1622,53	1 Миср фунти	283,91	1 СДР	2547,06	10 Жанубий Корея вон	14,52
1 Англия фунт стерлинги	2614,92	1 Канада доллари	1609,32	1 Туркия лираси	1138,50	1 Япония иенаси	195,84
1 БАА дирхами	444,51	1 Хитой юани	245,87	1 Швейцария франки	1647,81	1 Россия рубли	52,75
1 АҚШ доллари	1632,49	1 Малайзия рингити	525,93	1 Евро	2219,90	1 Украина гривнаси	205,66

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикасини Марказий банки маъжур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ОБ-ХАВО 23-24.11.2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀️ 13°C	☀️ 15°C
Самарқанд	☀️ 12°C	☀️ 17°C
Нукус	☀️ 8°C	☀️ 13°C
Қарши	☀️ 15°C	☀️ 20°C
Урганч	☀️ 8°C	☀️ 13°C
Навоий	☀️ 15°C	☀️ 20°C
Фарғона	☀️ 12°C	☀️ 17°C
Бухоро	☀️ 15°C	☀️ 20°C
Анджон	☀️ 12°C	☀️ 17°C
Наманган	☀️ 12°C	☀️ 17°C
Термиз	☀️ 15°C	☀️ 20°C
Жиззах	☀️ 12°C	☀️ 17°C
Гулистон	☀️ 12°C	☀️ 17°C
Тошкент вил.	☀️ 12°C	☀️ 17°C
Лондон	☁️ 10°C	☁️ 10°C
Париж	☁️ 8°C	☁️ 7°C
Москва	☁️ 6°C	☁️ 4°C
Мадрид	☁️ 8°C	☁️ 7°C
Пекин	☁️ 10°C	☁️ 10°C
Гонгконг	☁️ 13°C	☁️ 15°C
Рим	☁️ 10°C	☁️ 10°C
Анкара	☁️ 9°C	☁️ 11°C
Токио	☁️ 11°C	☁️ 10°C
Стокгольм	☁️ 7°C	☁️ 5°C
Кейптаун	☁️ 14°C	☁️ 14°C
Қоҳира	☁️ 12°C	☁️ 11°C
Гавана	☁️ 20°C	☁️ 20°C
Вашингтон	☁️ 10°C	☁️ 9°C


O'zbekiston havo yo'li
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Янги тиббий иншоотлар



Ижтимоий ҳимоя

■ Фарғонада собиқ вилоят қон қуйиш станцияси Минтақавий қон қуйиш марказига айлантирилиб, барча тиббий талаб ва мезонларга жавоб берадиган замонавий бино билан таъминланди.



Ҳозир бу ерда 62 нафар юқори малакали мутахассис хизмат қилаяпти. Донорлардан қон қабул қилиш, лаборатория таҳлиллари, уни вилоятдаги зарур шифохоналарга ўз вақтида етказиш кўп жиҳатдан тиббий техник воситаларга боғлиқ.

— Осиё тараққиёт банки кредити асосида бизга 800,4 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар келтириб ўрнатилди, — дейди бош шифокор Алберт Мустаев. — Бу замонавий тиббий жиҳозлардан тўла-тўқис фойдаланишимиз учун марказ мутахассислари махсус ўқув курсларида малака ошириб келдилар.

Фарғонадаги мазкур қон қуйиш маркази Андижон, Наманган вилоятлари шифохоналарини ҳам барча гуруҳ ва резусдаги қон билан таъминлаб туради.

ОИТСга қарши кураш маркази биноси ҳам янгилан қуриб, фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати салкам бир миллиард сўм бўлган уч қаватли бинода поликлиника, лаборатория ва эпидемиология бўлими жойлашган.

Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



Фарғона ОИТСга қарши кураш маркази



Фарғона Минтақавий қон қуйиш маркази

Спорт

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Осиё ўйинларининг ҳар бир куни ҳамюртларимиз учун муваффақиятли кечаюпти. Мусобақа дастуридан жой олган таэквондо (WTF) учрашувларида вакилларимиздан Дмитрий Ким (кумуш), Акмал Эргашев (бронза) нинг совриндорлар қаторидан жой олганлигини хабар қилгандик. Беллашувларнинг охири кунда яна бир моҳир спортчимиз Евгения Каримова (+73 кг) кучлилар сафига қўшилди. Доҳада ўтган Осиё ўйинларининг кумуш медали совриндори бу гал бронза медали билан кифояланди. У мезонлар вакили Ли Руига кичик ҳисобда имкониятнини бой берди — 2:4.

Мутахассислар трамполин бўйича Пекин олимпиадаси бронза медали совриндори Екатерина Хилькога катта ишонч билдиришганди. Бу сафар ҳам баҳсларда муносиб иштирок этган трамполинчи шохсупанинг учинчи погонасидан ўрин эгаллади.

Спорт турларининг «короличаси» саналган енгил атлетика мусобақаларида ҳам Ватанимиз спортчилари фақат совринли ўринлар учун кураш олиб боришмоқда. Жумладан, баҳсларнинг иккинчи кунда 100 метр масофага югуриш бўйича тажрибали Гўзал Хуббиева маррага иккинчи бўлиб етиб келган бўлса, яна бир иқтидорли вакилимиз Леонид Андреев лангарчўлда баландлик сакраш бўйича кумуш медали билан тақдирланди.



Бронза медаль соҳибаси Екатерина Хилько.

Теннис бўйича жамоавий баҳсларда Ўзбекистон теннисчилари кумуш медалга сазовор бўлишганди. Ракетчиларимиз яккалик баҳсларида ҳам қитъамизда кучлилар қаторидан жой олишга муносиб эканликларини исботладилар. Эркаклар ўртасидаги учрашувларда муваффақият қозongan Денис Истомин дастлабки босқичларда До Минх Куан (Вьетнам), Жеонг Сук Ёнг (Жанубий Корея), Каран Расоги (Хиндистон)ларни мағлубиятга учратганди. Ҳамюртимиз ярим финалда япониялик Го Соёдага қарши кортага чиқиб, 6/1, 6/0 ҳисобларида зафар қўчди. Энди бугун бўладиган финал баҳсида Денис

хиндистонлик Искан Девварман билан олтин медали учун кураш олиб боради.

Юнон-рум кураши бўйича эса Давид Солдадзе (96кг) бронза медалига сазовор бўлди.

Бокс бўйича ҳам барча вазн тоифаларида ярим финалчилар номи аниқланди. Оғир вазн тоифасида рингга кўтарилган ҳамюртимиз Сардор Абдуллаев (+91 кг)дан биринчи учрашувдаёқ омад юз ўгирганлигини маълум қилгандик. Аммо кейинги босқичларда вакилларимиздан яна Жасурбек Латипов (49 кг), Шаҳриёр Исоқов (52 кг), Орзубек Шоимов (56 кг), Мирзоҳид Абдуллаев (91 кг) баҳсларни барвақт якун-

лашга мажбур бўлди.

Кеча бўлиб ўтган чорак финал учрашувларида Санжарбек Раҳмонов (64 кг) киргизистонлик Ермек Сақеновни, Ўтамжон Раҳмонов (69 кг) эса туркменистонлик Омар Мамедшаевни енгди.

Эртага финал йўлланмаси учун кечадиган баҳсларда вакилларимиздан Хуршид Тожибоев (60 кг) хиндистонлик Кришан Викас, Аббос Атоев (75 кг) қозғистонлик Данабек Сузханов, Элшод Расулов (81 кг) хитойлик Фанлонг Менгга қарши жанг ўтказди. Бугун эса эркин кураш бўйича беллашувлар бошланди.

Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Оқгул олтин медаль учун курашади

■ Спортда шундай мусобақалар бўлади, спортчи ва унинг мухлислари қалбида бир умр сақланиб қолади. Моҳир теннисчимиз Оқгул Омонмуродованин XVI Осиё ўйинлари ярим финалида хиндистонлик Соня Мирзага қарши ўтказган учрашуви ана шундай мусобақа бўлди, десак сира муболага бўлмайдик.

Бунгача Оқгул ва Соня уч марта учрашганди (охирги ўйини икки ой илгари Гуанжоуда бўлганди). Рейтинг очколари ва мукофот жағмараси учун кечган бу учрашувларда хиндистонлик теннисчи устун келганди. Шу боис ҳар икки теннисчи ҳам ўзларини узоқ давом этадиган муросасиз учрашувга чоғлаган ҳолда мусобақани бошлашди. Тенгма-тенг кураш остида ўтган учрашунинг дастлабки сети бир соатдан кўпроқ давом этди ва тай-брейкда Соня устунликка эришди — 6/7 (7). Янада кескин ўтган иккин-

чи ва учинчи сетлар ҳамюртимиз фойдасига ҳал бўлди. — 6/3, 6/4.

Тўғри, қарийб уч соат давом этган ўйинда теннисчиларгина эмас, ҳакам ҳам чарчайди. Леонкин Оқгул ҳар бир очко учун мардонавор кураш олиб борди, охири-охири ўзи учун ноқулай рақиб устидан энг муҳим мусобақада ғалаба қозонди ва Осиё ўйинларининг кумуш медалини нақд қилиб қўйди.

Оқгул бугун финалда хитойлик теннисчи билан ўйнайдик. Унга ҳал қилувчи ўйинда ҳам омад тилаймиз.



2010 ЙИЛ — Баркамол авлод йили

«Деновим эркатойлари»

■ Денов шахрида «Деновим эркатойлари» нодавлат мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

Тўғриси айтганда, муассасанин замонавий биноси, бу ерда яратилган шароитларни кўрган ҳар бир кишининг кўнгли қувончга тўлади.

Бу муассасада ҳозир 60 нафардан ортиқ болажонлар тарбияланмоқда.

— Яқинда ўз фаолиятини бошлаган масканимиз 100 ўринга мўлжалланган, — дейди муассаса раҳбари Насиба Менгниева. — Бу ерда болажонлар қисқа фурсатларда рус ва инглиз тилларини мукамал ўрганиш-

лари мумкин. Ошона мунтазам ишлаб турибди. Машгулот хоналарида ўн тўрт нафар ширинсухан ва тажрибали мураббий болажонларга таълим-тарбия бермоқда.

— Бу ерда опаларимиз ўқиш, ёзишни ўргатишяпти, — дейди тарбияланувчи Маржона Жалилова. — Шеръ, қўшиқлар ёд олдик. Бўш вақтларимизда турли қизиқарли ўйинлар ўйнаймиз.

Абдумалик ХАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



Илҳом АБДУРАЗОҚОВ олган суратлар.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Ta'yan KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36,
233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55,
233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83,
236-55-17

VILOYAT MUHBIRLARI:

Andijonda — (374) 225-32-70
Buxoroda — (365) 223-06-02
Gulistonda — (367) 225-46-45
Jizzaxda — (372) 227-48-35
Navoiyda — (436) 223-83-73
Namanganda — (369) 226-43-81
Nukusda — (361) 222-77-21
Samarqandda — (366) 235-02-55
Urganchda — (362) 517-30-58
Farg'onada — (373) 224-18-78
Denovda — (376) 412-37-80

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Abdusalam MAHMUDOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma tabaq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
7648 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 21.45
Topshirilgan vaqti — 01.30
1 2 3 4
Sotuvda erkin narxda